



asr
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

14-sentyabr 2023-yil 37 (1035)



www.21asr.uz



@XXlasr_yangiliklari



XXlasrgazetasi



xxi_asr@mail.ru



asr_xabarlari_news

ҚўШМА МАЖЛИС

“ЎЗБЕКИСТОН–2030” СТРАТЕГИЯСИ – ХАЛҚ СТРАТЕГИЯСИ

О‘зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси қўшма мажлисида Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон–2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлашда етакчи сиёсий куч олдида турган устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.



БУГУНГИ СОНДА:

СИРДАРЁДА
ҒАЛВИР
СУВДАН
КЎТАРИЛДИ

2с.

ЮЗ МАҚСАД
ЮЗИМИЗНИ
ЁРУҒ ҚИЛАДИ

3с.

Танишинг:
“Ишбилармон аёл – 2023”
ғолиблари!

4с.

“ЎСИМЛИКЛАР
ХАЛОСКОРИ”

5с.

ҚИСМАТ
ТУЙҒУСИ –
ВАТАННИ
ТАНИШ

6с.

О'zLiDeP'NING 20 YILLIGIGA



Йигирма йил...

Вақт юзурик, фурсатлар ғанимат, лаҳзалар қадрли. Тарих саҳифасига Ўзбекистон номи жаранлаган воқеалар, ўзгариш, бунёдкорликлар беҳисоб. Лекин ана шу тарихий янгиликлар орасида 2003 йилнинг 15 ноябри ҳам алоҳида эсга олинган кундир. Негаки, худди шу санада мамлакат сиёсий майдонида ўзига хос жарангдор ном остида пайдо бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг таъсис съезди бўлиб ўтган эди!

Бугун ўша унутилмас воқеликка гувоҳ бўлган инсонлар юрагида ўзгача шуқуқ ва фарахбахш ифтихор борлиги шубҳасиз. Аввалига сал иккиланиб, кейин эса эртанги тараққиётимиз локомотивига айланиши тахмин қилинган улкан сиёсий кучнинг, табиийки, ташкил этилиши осон кечмаган. Энг аввало, халқимиз ва давлатимиз манфаати йўлидаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маърифий ислохотларда ҳақиқатан фаоллик кўрсатиб келаётган партиямиз ана шу қисқа, лекин машаққатли ва шарафли давр ичида чин маънода етакчи кучга айланди.

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Либерал-демократик партияси лидери, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Актам Хаитов ушбу қутлуғ санага тайёргарлик кўриши ва уни

ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар хусусида ўз таклифларини билдираркан, “Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбарининг “Тарихдан маълум: вақтни – имкониятга, имкониятни – ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ – буюк халқдир. Бугун меҳнаткаш, мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли элимиз айна шундай халқ бўлиб майдонга чиқмоқда” деган ҳикматбахш сўзлари ҳар биримизни руҳлантириши лозим. Чунки бундай улкан даъват замирида сизу бизнинг ҳам ёруғ умид-орзуларимиз мужассам. Демак, сиёсат майдонида партияимизнинг ўрни, нуфузи қанча мустаҳкам ва баланд бўлса, унинг авзолари ҳам шунча фаол, қурашчан кучга айланади. Шундай экан, салкам бир миллион уч юз минг аъзони бирлаштирган партияимиз учун ушбу сана ғоят қадрли ва бу кунни муносиб нишонлаш ҳар биримизнинг масъулиятли вазифамиздир”, деди.

Бугундан эътиборан, газетамиз саҳифаларида “Бу – менинг партиям” рукни остида О‘зЛиДеРнинг 20 йиллигига бағишланган туркум материалларни эълон қилиб борамиз. Унда партиянинг илк ташкил этилиши жараёнларида, қолаверса, ташаббускор гуруҳ сафида фаол қатнашган юртдошларимизнинг дил сўзлари, самимий таассуротлари эълон қилинади.

2

ИШЧИ ГУРУХ ФАОЛИЯТИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятларга ташрифлари давомида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ҳудудларга инвестицияларни кенг жалб этиш, саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартириш, жиноятчиликни жиловлаш, маҳаллаларда ҳафсиз муҳит ҳамда аҳоли осойишталигини таъминлаш борасида бир қатор вазифа ва топшириқ берилган эди.

ва кўп квартирали уй-жой фондининг куз-қиш даврида барқарор ишлашга қанчалик тайёргилини қонунчиликда белгиланган меъёрлар тартибиди чиғириқдан ўтказишди. Ҳукумат томонидан тасдиқланган параметрлар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришди. Ҳукуматлар давомида кўп квартирали уй-жой фондини мукамал таъмирлаш, “дом”лар атрофидаги санитария-гигиеник ҳолатларни яхшилаш, иссиқлик таъминоти, ичимлик сув, электр тармоқлари, табиий ва суолтирилган газ объектлари ва ускуналарини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳамда кўмир маҳсулотлари таъминоти захирасини яратиш масалалари чуқур таҳлил қилинди. Гулистон шаҳрида жами 398 та кўп қаватли уйда

СИРДАРЁДА ҒАЛВИР СУВДАН КУТАРИЛДИ

Мазкур долзарб масалалар доирасида жойларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, О‘зЛиДеР фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов раҳбарлигидаги парламент депутатларидан иборат ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри ҳамда Мирзаобод туманида жамоатчилик назорати тартибиди ўрганишлар олиб бормоқда. Чуқур ва таққослама таҳлил орқали амалга оширилаётган ўрганишларда асосий эътибор жойларда депутатлар назоратини ва маҳаллий кенгашлар фаолиятини кучайтиришга қаратилмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий кенгашлар депутатларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳам ишчи гуруҳининг муҳим вазифалари сирасига киради. Президентимизнинг вилоятларга ташрифлари доирасида бўлиб ўтган йиғилишлардаги маърузаларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ишчи гуруҳ аъзолари маҳаллий кенгаш депутатлари, масъуллар, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги бешликлар, аҳоли вакиллари иштирокида очик мулоқотлар ҳам ўтказишмоқда. Белгиланган чора-тадбирларга асосан Гулистон шаҳри ҳамда Мирзаобод туманида сессиялар ташкил этилиб, депутатлар томонидан кун тартибиди масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу эшитувлар танқидий руҳда ўтди. Гулистон шаҳридаги ўрганишлар давомида ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг ишга туширилиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда экспорт прогнозларининг бажарилиши таҳлил қилинди. Мазкур масалаларни жойида атрофлича таҳлил қилиш мақсадида ишчи гуруҳ аъзолари Гулистон шаҳрида фаолият юритаётган бир қатор тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш корхоналаридаги мавжуд муаммоларга эътибор қаратишди. Уларга ечим излаш борасида маъсулларнинг қандай режалари борлиги билан қизиқишди. Мақсад эса аниқ – Сирдарёни саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббиёт соҳаларида “илғор инновациялар ҳудуди”га айлантиришга ҳар томонлама қўмаклашишди. Шунинг учун ҳам депутатлар шаҳарда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари

О‘зЛиДеР матбуот хизмати

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Халқ ишончи – шижоат, шиддат манбаи

Вақт қадрни одатда ўтган кун ва ойлар, йиллар билан эмас, балки амалга оширилган ишлар салмоғи билан ўлчаниши сир эмас. Шу маънода олиб қаралганда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сиёсий куч сифатида йигирма йиллик босиб ўтган йўлига назар солсак, унда ўтган ҳар бир кун – бир мақсад, бир маслак йўлида бирлашган фидойи, элпарвар, шижоатли инсонларнинг Ватан, халқ, юрт фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари тобора кучаяётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

2003 йиллар ҳали-ҳали эсимда. Ўша кезлар партия тузиш ташаббуси билан чиққан ишчи гуруҳ аъзоси сифатида ўтган йилларга назар солар эканман, кўп ёруғ хотиралар жаҳлимдан ўтади. Гарчи мустақилликка эришганимизга ўн йилдан ошган бўлса-да, ҳали аҳолининг кўпчилики қисми дунёқарашда эскича қарашлар кетмаган, бозор иқтисодиёти энди-энди жорий қилинаётган пайтлар эди.

Мана шундай дамларда мамлакатимиз тараққиётининг кейинги ўн йилликлардаги юрар йўлини белгилаб берадиган, уни янги йўлдан бошлашга қодир бўлган сиёсий кучни шакллантиришга бўлган заруриятни англаб етган, узоқни кўра олган инсонларнинг юксак масъулиятни ўз зиммаларига олишганини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Йигирма йилдирки, дастлаб, ташаббускор гуруҳ таркибиди, 2008 йилдан бошлаб эса партиянинг Жиззах вилоят кенгаши раиси сифатида маслақдошларим билан биргача. Ўтган йиллар давомида партиямиз босқичма-босқич шаклланиб, таъбир жоиз бўлса, кучга тулиб, кундан кунга халқимиз орасида нуфузи ортиб бормоқда. Бунинг

асосий сабаби, бугун эл юртимиз ардоғидаги Ўзбекистон Қаҳрамонлари – Парда Зиётов, Анорбой Эшматов, ани пайтда вилоят “Нуроний”лар жамоатчилик кенгаши раиси вазифасида фаолият олиб бораётган Норқул Нушаров, Касаба уюмлари бирлашмаси Жиззах вилоят кенгаши раиси, сенатор Нусратулла Пардаев ва бошқа ўнлаб, юзлаб ҳамфикр маслақдошларимизнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилганлиғидир.

Давр шиддат билан ўртяпти. Шу шижоатга мос, зарур чоғда ундан сал олдинроқ қадам ташламаган ортда қолиши тайин. Сафимизга кириб келаётган ёшларда айнан шундай жўшқинликни кўриб беихтиёр севинаман. Мисол учун, дастлабки йили вилоят партия ташкилоти таркибиди 1062 нафар маслақдошимизни бирлаштирган 24 та бошланғич партия ташкилоти фаолият олиб борган бўлса, ҳозир қўйи бўғинлар сони 1000 дан ошди. Улар ўз сафларига 102 минг нафардан ортиқ партиядошимизни бирлаштирган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бугун партиямиз ғоялари, дастурий мақсад ва вазифалари ҳар бир маҳаллага, ҳар бир ташиклот, корхона ва муассасага кириб борди, десам муболаға бўлмайди. Буни муддатидан олдин бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови ҳам яна бир бор кўрсатиб берди. Сайлов натижаларига кўра, жаззхлик сайловчилар мазкур сиёсий жараённинг энг фаол иштирокчиларига айланганини, уларнинг аксарият қисми партиямиздан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаб овоз берганини кўришимиз мумкин.

Яна бир мисол, маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган дастлабки сайловларда вилоят, туман (шаҳар) кенгашларига партиямиздан

дан жами 72 нафар депутат сайланган эди.

Айни пайтда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида жами 142 нафар О‘зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 26 нафари халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари ҳисобланади. Барчаси ўз ваколатлари доирасида вилоятимизда ислохотлар самарадорлигини оширишга, сайловчиларнинг қувончу ташвишига ҳамроҳ бўлишга, жойлардаги мавжуд муаммоларни партиявий воситалар билан ҳал қилишда фаоллик кўрсатмоқда.

Жорий йил мисолида кўрадиган бўлсак, ўтган вақт давомида маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан жами 800 дан ортиқ депутатлик сўровлари чиқарилгани, жами 110 дан ортиқ мутасаддилар ҳисоботи тинглангани, маҳаллий кенгаш сессияларига 40 дан ортиқ масала киритилгани ҳам халқ ноибларининг давр билан ҳамнафас эканликларини кўрсатиб турибди.

Аҳолининг партиямизга, депутатларимизга бўлган ишончини белгилайдиган омиллардан яна бири, бу уларнинг мурожаатларига бўлган эътибордир. Шу кунгача аҳоли томонидан қилинган 200 дан ортиқ мурожаатнинг аксарияти ўз ечимини топган бўлса, вақт талаб қиладигани депутатлик ва партиявий назоратга олинган.

Ўзбекистон – янги даврга қадам қўймоқда. Янги Ўзбекистоннинг муштаҳкам пойдевори қўйилмоқда. Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда ва кун кеча эълон қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга жорий қилишда маслақдошларимиз бундан кейин ҳам олдинги сафларда бўлишига ишонаман.



Эркин ХОЛМАТОВ
О‘зЛиДеР Жиззах вилоят кенгаши раиси, Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги О‘зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари

МАТОНАТ ТИМСОЛЛАРИ

Биз ҳам сиз билан бир сафдамиз!

Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг ихтиёрий аъзоллигига асосланган нодавлат нотижорат ташкилотидир. У кўзи оғизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, реабилитация қилиш, ижтимоий интеграциялаш, тенг ҳуқуқлилигини ҳамда тенг ҳаёт имкониятларини таъминлашга қўмаклашиш учун республика миқёсидаги жамоат бирлашмаси ташкилий-ҳуқуқий шаклида тузилган.

Жамиятнинг ташкил топганига ўтган йил 90 йил тўлди. 1932 йил 15 июнда мамлакатимизда яшовчи бир гуруҳ фаол кўзи оғиз фуқаролар ташаббуси билан жамиятнинг таъсис қурултойи қақрилиб, унда Ўзбекистон кўзи

оғизлар жамияти ташкил этилгани эълон қилинган.

Уч бўғиндан иборат Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти таркибиди айни пайтда Марказий бошқарув, 14 та ҳудудий бўлим, 194 та маҳаллий бўлим, 2 та дам олиш маскани, 3 та ёрдамчи хўжалик, 1 та “Янгийўл” юрак ва асаб касалликлари сиҳатгоҳи, “Бир сафда” журнали таҳририяти, ЎзКОЖ “Санъат гулшани” МЧЖ, шунингдек, ҳудудий бўлимлар ва 25 та шўъба корхона, жами 300 та корхона, ташкилот ва муассасалар кўзи оғиз фуқаролар учун беминнат хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 76 020 нафар кўзи оғизнинг 64 244 нафари жамият ҳисобига олинган. Жами ишловчи кўзи оғизлар сони 2987 нафарни ташкил этади. Шундан 1539 нафари жамият корхоналарида, 557 нафари жамият тизимида ва 1209 нафари тизимдан ташқари турли жойларда фаолият юритмоқда. Жамият тасарруфидаги корхона

ва ташкилотларда асосан жамият аъзолари меҳнат қилади.

Яна бир муҳим янгилик – таълим тизимини ривожлантириш масаласида қўллаб ишлар қилинмоқда. Хусусан, жамият босмахонаси брайль алифбосида чоп этишга мўлжалланган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Жамият фаолиятида инсонпарварлик ва раҳмдиллик, шахс кадр-қиммати ҳамда жамиятнинг ҳар бир аъзоси фикрига ҳурмат, ёши, жинси, миллати, irqи, диний эътиқоди, сиёсий қарашлари ҳамда ногиронлик тоифаларидан қатъи назар, камситилишига йўл қўйилмаслиги асосий мезонлардан.

Сўнгги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланишига эътибор кучайди. Қатор қонунлар қабул қилинди. ЎзКОЖ ҳам кўзи оғиз фуқароларнинг ҳар томонлама реабилитация қилишда фаол иштирок этмоқда. Жамият



Осиё ва Бутунжаҳон кўзи оғизлар уюшмаларининг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

Жамият аъзоларига қулайлик яратиш доимий эътиборда. Тошкент шаҳар кўзи оғиз ёшлар маркази “Louder pages” билан биргаликда “Windows”, “Linux”, “Android” операция тизимларида ишловчи “Rh voice” нутқ синтезатори учун ўзбекча овозни сошлаш лойиҳасининг тақдими аниқ фикримиз исботи.

Ўзбек тилига ихтисослашган мазкур нутқ синтезатори компьютер ва мобил қурилмаларга мўлжалланган бўлиб, матнли хабарларни кўзи оғиз фойдаланувчиларга тўғридан-тўғри овозли тарзда етказишга хизмат қилади.

Эргаш НОРПҲАТОВ,
Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти раиси

ҚЎШМА МАЖЛИС

“ЎЗБЕКИСТОН-2030” СТРАТЕГИЯСИ – ХАЛҚ СТРАТЕГИЯСИ

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Ақтам Хаитов олиб борган мулоқотда, энг аввало, янги стратегиянинг маъзи давлат раҳбарининг сайловолди учрашувларида илгари сурган ташаббусларидан, шунингдек, электротат вакиллари томонидан билдирилган тақлифлардан иборат эканлиги эътироф этилди. Шу билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб қилаётгани ушбу ҳужжатга эҳтиёж туғдиргани алоҳида таъкидланди.

си бешта устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсадни қамраб олган, – деди А.Хаитов **маслақдошларни очик мулоқотга чорлар экан.** – Хусусан, барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш, халққа хизмат қилиши шарт бўлган адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш, мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш каби ғоялар акс этган.

Фармон билан мазкур стратегияни амалга ошириш ва унинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш барча давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида энг устувор вазифа этиб белгиланмоқда. Жумладан, фармоннинг 8-бан-

ббуслар билдириш имкониятини яратувчи он-лайн портални ишга тушириш кўзда тутилган. Бу эса парламент қўйи палатаси ва маҳаллий кенгашларда энг кўп мандатга эга Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатлик корпуси ўз фаолиятини янада кучайтиришни тақозо қилади.

Стратегиянинг ҳар бир йўналишини таҳлил қиладиган бўлсак, инсон қадрини улуғлаш, халқимизни рози қилиш, муносиб турмуш шароити билан таъминлаш каби улкан мақсад ва марралар кўзланганлигини кўриш мумкин. Хусусан, келгуси етти йилликда иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш, тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз мурожаатларини бирламчи бўғиннинг ўзидан ҳал этиш, камбағалликни икки баробарга камайтириш, мактабгача таълим билан қамров даражасини 100 фоизга етказиш,



учун барча кучларни бирлаштириш имконини беради.

– Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича белгиланган иккинчи йўналишни кўриб чиқадиган бўлсак, иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларини янги босқичга олиб чиқиш борасида қатор ташаббуслар илгари сурилганига гувоҳ бўламиз, – дейди О‘ЗЛиДеР фракцияси аъзоси Қаҳрамон Эргашев. – Яъни, 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш асосий мақсад қилиб олинмоқда. Бунда келгуси етти йилликда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлигини янада ошириш ва қимматли қўғозлар бозорини жадал ривожлантириш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш каби чора-тадбирлар белгиланганлигини таъкидлади.

Стратегияда қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш борасида ҳам қатор вазифалар белгиланганлигини таъкидлади. Унга қўра, келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кўрсаткичининг 25 фоиздан юқори бўлиши таъминланади. Республика ҳудудларида 2,5 миллион тонна қувватга эга бўлган 100 та янги агрологистика марказлари фаолияти йўлга

қўйилади ҳамда уларнинг экспорт салоҳияти 1 миллиард долларга етказилади.

Қишлоқ хўжалигида суви тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш ва суғориладиган майдоннинг ҳар бир гектарига бериладиган сув ҳажмини 20 фоизга камайтириш орқали сувнинг маҳсулдорлиги оширилади. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш орқали 1 метр куб ҳажмдаги сув билан суғорилган ер майдонидан 3,7 доллар миқдорда даромад олишга эришилади.

Сувдан самарали фойдаланишда замонавий бошқарув тизимининг ҳам ўрни бекиёс. Шу боис 2030 йилгача камида 100 та йирик сув хўжалиги объектида автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий қилиш, ирригация соҳасига хусусий секторни жалб этиш, давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий қилиш ҳисобига хусусий инвестициялар оқимини кўпайтириш мақсад қилинган.

Қўшма мажлисда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон-2030” стратегиясини 2023 йилда ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятини кенг аҳоли вакиллари, партия электорати орасида тарғиб қилиш ишларини олиб бориш борасида аниқ вазифалар белгиланди. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ишчи гуруҳлар шакллантирилди, шунингдек, партиянинг узоқ муддатли чора-тадбирлар режаси тасдиқлаб олинди.

Озод РАЖАБОВ,
“XXI asr” мухбири



Бу эса, табиийки, ислохотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олган О‘ЗЛиДеР фаоллари ва тарафдорларининг саъй-ҳаракатларини янада жадаллаштириш заруратини кун тартибига қўяди. Нафақат партиядан сайланган депутатлар, балки сийёсий кучнинг ҳар бир аъзоси стратегиянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаши зарурлигини кўрсатади.

– “Ўзбекистон-2030” стратегия-

дига қўра, **“Ўзбекистон-2030” стратегияси – халқ стратегияси**” шиори остида белгиланган ислохотларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш лозимлиги, бунда белгиланган ислохотларнинг сифатли амалга оширилишини аҳоли томонидан ҳар бир мақсад ва ундаги кўрсаткичлар кесимида баҳолаш, улар юзасидан ўз фикрларини қолдириш ва таша-

сувни ишлатиш самарадорлигини 25 фоизга ошириш каби қатор кўрсаткичларни ўз ичига қамраб олган. Бу вазифалар, айтиш мумкин, Барқарор ривожланиш миллий мақсадларини амалга ошириш учун ўзига хос “йўл харитаси” вазифасини ўтайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, партия дастуридан ўрин олган асосий ғоялар ҳам стратегияда ўз аксини топгани тугал натижа

ЮЗ МАҚСАД ЮЗИМИЗНИ ЁРУФ ҚИЛАДИ

Куни кеча давлатимиз раҳбари имзолаган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармон ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни бир тадбиркор ва халқнинг оддий вакили сифатида синчиклаб ўқиб, атрофлича танишиб чиқдим.

Бу икки муҳим ҳужжат мазмун-моҳияти кенг, ўзига хос ҳаётий дастуриламал экани шундоққина сезилиб турибди. Айтиш мумкин, ушбу фармон ва қарор замирида, аввало, халқимизнинг розилигини олиш баробарида, яқин олти йилдан кўпроқ муддат ичида барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар сарҳисоби ва яқин келажақда, эътибор берайлик, “эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўйбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш”дек олий

ва эзгу мақсадлар ётганини англаш қийин эмас. Демак, **“Ўзбекистон-2030”** деб номланган стратегия, чин маънода вақти келиб, ҳақиқий халқ стратегиясига айланиши шубҳасиз. Чунки қабул қилинган бу ҳужжатлар Янги Ўзбекистонимизнинг тараққиёт стратегиясини ҳаётга кенг татбиқ этиш жараёнида орттирилган бой тажрибалар ва кенг жамоатчиликнинг муҳокамаси натижалари эканлигига ҳам алоҳида ургу берилиши ғоятда муҳимдир.

Биз Президентимиз имзолаган ушбу фармон ва қарорда жорий йилнинг ўзидаёқ амалга оширилиши қатъий белгилаб берилган долзарб вазифа ҳамда йўналишларни ўзимиз мансуб бўлган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоллари ва парламент қўйи палатасидаги фракциямиз аъзолари иштирокида кеча ўтказилган қўшма йиғилишда атрофлича муҳокама қилдик. Таъкидлаш керакки, илгари сурилган халқчил ғоялар бутун халқимизнинг, қолаверса, бизнинг партиямиз мақсадларига ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, давлат раҳбари томонидан алоҳида белгилаб берилган 100 мақсаднинг ҳар бирининг ижроси учун барчамиз жавобгармиз. У қайсидир сийёсий куч вакили бўладими, тадбиркор ё депутатми, оддий ишчи-хизматчи ё зиёли, ким бўлишимиздан қатъи назар, ушбу мақсадлар халқимизнинг фаровон яшаши, ҳаётиимизнинг тўқис бўлиши ва жаҳон ҳам-жамиятида ўз нуносиб ўрнимизни эгалла-

шимиз учун мустақкам замин бўлади деб ўйлайман.

Масалан, ушбу стратегиядан ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар ривож, шунингдек, барча замонавий талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил этиш, аҳоли учун қулай экологик муҳитни яратиш, ҳақ-ҳуқуқларимизни адолатли ҳимоя қиладиган қонунлар ижросини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, халқимиз орзу қилган жамиятни барпо этишдек мураккаб ва масъулиятли масалалар ўз аксини топган.

Бугун аёнки, ҳаётнинг ўзи олдимизга кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифаларни қўймоқда. Шундай бўлиши табиий. Негаки, мамлакатимиз айна пайтда ривожланишнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйди. Ҳақиқатан ҳам, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, инновацион тараққиёт борасида мамлакатимизда муваффақиятли ислохотлар олиб борилмоқда. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” тамойили қисқа муддатда ўзини оқлаганига гувоҳ бўляпмиз ҳам.

Хуллас, **“Ўзбекистон-2030”** стратегиясидан жой олган долзарб вазифаларни бажариш ва одамларни ҳаётдан, ислохотлардан рози қилишдек машаққатли бурчимизни ҳалол ва виждонан адо этишга барча партиядошларимни чорлаб қоламан!



Равшан ФОЗИЛОВ,
О‘ЗЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати

O‘zLiDeP ЛОЙИХАЛАРИ: ИЛҒОРЛИК ВА ИЛДАМЛИК ИНЪИКОСИ

Бугун қайси соҳани олманг, ўша йўналишдаги ислохотларда хотин-қизлар фаол иштирок этаётгани айти ҳақиқат. Бошқача айтганда, аёлларнинг ўз вазифасига инновацион ёндашуви, мавжуд масалалар моҳияти юзасидан креатив фикрлаши муваффақият олиши экани аксиомага айланди.

Шиддатли даврда ҳар бир масалага инновацион ёндашмасдан, креатив фикр юритмасдан туриб ривожланишга эришиш мушкул. Айниқса, хотин-қизлар билан ишлаш ва уларга қўлай шароит яратиш жабҳасида бундай муносабат ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, O‘zLiDeP томонидан аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш нўқатин назаридан турли лойиҳалар таъсирчан тарзда амалга оширилмоқда.

Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини кўтариши, уларнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантиришига оид малакаларини оширишга қўмаклашиши, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан қилинаётган ишларда “Ишбилармон аёл – 2023” кўрик-танлови босқичма-босқич ўтказилгани билан ҳам эсда қоларли воқеалар сирасига кирди. Айниқса, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ тиниб-тинчимас, оқила, меҳнаткаш хотин-қизлар фаоллиги тобора ошиб бораётгани диққатга сазовор.

Мазкур танловнинг жорий йилдаги ғолиб ва совриндорлари билдирган қўйидаги фикрлар эса бу борадаги ислохотларнинг долзарб жиҳатлари хусусида.

✓ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Гавҳар РИЗАЕВА,
“Ишбилармон аёл – 2023”
кўрик-танлови ғолиби,
Паркент туманидаги
“Заркент Гавҳари” фермер
хўжалиги раҳбари

– Бугун юртимизда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, энг муҳими, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканлиги қувонарлидир. Давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи бу йўналишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада бизнинг ҳам ижтимоий фаоллигимиз ошиб, турмуш фаровонлигимиз юксалиб борапти. Бундай эътибор ва рағбат берилётгани мен каби ишбилармон опа-сингилларимизга катта имкониятлар эшигини очиб берди, десам муболаға бўлмайди.

Бундан беш-ўн йилча аввал кишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб, катта обрў ва даромад топасан, файзли турмуш кечирасан, деса биров ишонармиди. Аграр соҳани том яшнода хусусийлаштириш имкончилигига ақл бовар қилмас эди.

Президентимиз ташаббуси билан кишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорда сотишни қўллаб-қувватлаш масаласи ўзининг тизимли ечимини топганини ҳар қанча эътироф этсак оз. Зотан, экспорт-



боп маҳсулот тайёрлаш жараёнининг ярми бўлса, хориждан унга харидор топиш ва миқдорнинг ишончини қозониш қолган ярмидир. Ўзгаришлар туфайли бугун деҳқон ҳам, фермер ҳам экспорт тизимида ўзининг ўрнини топти. Меҳнатига яраша даромад ола бошлади. Халқона айтганда, косаси оқарди.

2006 йилда ташкил этилган кўп тармоқли “Заркент Гавҳари” фермер хўжалигимиз ҳам айти қўллаб-қувватлашлардан руҳланиб, яратилаётган имкониятлар натижаси ўлароқ қатор ютуқларга эришди.

Ҳозирда 80 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган хўжалик узумчилик, мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаб экспортга қилишда Тошкент вилоятидаги йирик

корхоналар қаторига қўшилишга муваффақ бўлди.

Биргина 2022 йилда мевадан 310 ва узумдан 200 центнердан ҳосил олган бўлсак, 150 минг доллар миқдоридидаги маҳсулотимиз Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Қирғизистонга экспорт қилинди. 2023 йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида эса экспорт ҳажмимиз янада ортди.

Хўжалигимиз аъзоларининг 20 нафари “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”да рўйхатда турадиган хотин-қизлардан иборат эди. Уларни ўзимиз маълум машғулотга йўналтириш орқали иш билан банд қилиб, моддий таъминлаш мақсадида ишга олганмиз. Натижада ушбу опа-сингилларимиз ҳам ўз шароитларини ўнглаб олишмоқда.

Келгусидаги режаларимиз янада улкан. Боиси, катта марраларни кўзламаган тадбиркор шиддатли замон талабларига жавоб бера олмайди. Астойдил интилиш, илғор ва илдам идрок орқали вилоятимизда эко-туризмни янада яхшилашга ҳисса қўшишда давом этиб, Паркентнинг бренд таомларини тайёрловчи янги тармоқни йўлга қўймоқчимиз. Яна камиди 20 киши ишли бўлади. Бу эса ишбилармон аёлларга яратиб берилаётган шароит, қўлай муҳит, эркин рақобат таъминланганидан далolat беради, албатта!

Камтарин меҳнатларимни юксак баҳолаб, “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги эсдалик нишони”, Кишлоқ хўжалиги ходимлари кўни муносабати билан “Илғор фермер” кўрак нишони, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан “Фаол тадбиркор” кўрак нишони билан тақдирланганим ҳам фикримнинг ёрқин исботи бўла олади.

O‘zLiDePнинг “Ишбилармон аёл – 2023” кўрик-танловида иштирок этиш баробарида ўзим каби тадбиркор опа-сингилларимиз билан яқиндан танишиб, уларнинг бой тажрибаларини ўрганишга муваффақ бўлдим. Ўзаро фикр алмашиб, ҳамкорлик режаларини туздик. Бу танлов мени бундан кейин ҳам хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашда янада шижоат билан ишлашга ундаётир.

✓ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ



Гўзал ИБРАГИМОВА,
“Masquerade little star”
оилавий корхонаси
раҳбари, “Ишбилармон аёл
– 2023” кўрик-танловининг
Хоразм вилоят худудий
босқичи ғолиби

– Мамлакатимизда ишбилармон, ташаббускор аёлларнинг ғоя ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, касаначилик асосида янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ортимизда ўз тадбиркорлигини энг қўйи поғонадан бошлаб, бугунги кунда йирик ишбилармонга айланган аёлларимиз жуда кўпчиликини ташкил қилади.

Интилиши кучли аёл учун тадбиркор бўлиш осон. Лекин бизнесни очгандан кейин ҳақиқий ишбилармон бўлиб қолиш ниҳоятда қийин. Фаолият бошлаганда кўп тўсиқлар юзага келади. Муаммоларнинг оқилона ечими катта ғайрат талаб қилади. Буларнинг барига бардош беролмаган тадбиркор ўз бизнесини ривожлантира олмайди. Модомики, мунтазам ҳаракат талаб қилинади. Доимий тарзда янги технологияларни ўзлаштирмас, глобаллашув масштабига кира олмас, иш тўхтайдми. Айниқса, аёл кишига ана шу босқичларни босиб ўтиш осон бўлмайди. Ҳаммаси маблагга боғлиқ эмас, маблаг бўлган тақдирда ҳам ўз-ўзидан тадбиркор бўлиб қолмайди. Унда мотивация, интилиш ва албатта, билим бўлиши керак.

“Masquerade little star” оилавий корхонаси фаолиятини бундан 15 йил олдин бошлаганида бироз қўлмайди. Унда мотивация, интилиш ва албатта, билим бўлиши керак. “Masquerade little star” оилавий корхонаси фаолиятини бундан 15 йил олдин бошлаганида бироз қўлмайди. Унда мотивация, интилиш ва албатта, билим бўлиши керак. “Masquerade little star” оилавий корхонаси фаолиятини бундан 15 йил олдин бошлаганида бироз қўлмайди. Унда мотивация, интилиш ва албатта, билим бўлиши керак.

Олдинлари турли кўргазмаларга бориб, тадбиркор хотин-қизларга ҳавас қилардим, уларнинг эришган

ютуқларини кўриб мен ҳам эътироф этилариманман, дея ўйлардим. Ўз олдимга мақсад қўйиб, тинимсиз қилган ҳаракатларим бугун аста-секин ўз мевасини бермоқда. Дастлаб фаолиятимни болажонлар учун турли эртақ қаҳрамонларнинг кийимларини тикишдан бошладим. Илк даврда қўл остимда саноклигина ишчи бор эди. Асосий кўмакчи уйдагиларим эди. Бугунги кунда 35 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Асосан болалар саҳна либослари, эртақ қаҳрамонлари ва раққосалар учун либослар, миллий ва замонавий либослар, спорт кийимлари, миллий мато сумкалар, миллий тақинчоқлар ва зебигардонлар каби турли хил йўналишдаги маҳсулотлар бутун юртимиз бўйлаб ва қўшни Қирғизистонга етказиб берилмоқда.

Ўтган йили USAID халқаро агентлигининг 37 минг долларлик грантини ютиб олиб, ўзимизга керакли бўлган ускуналарни хориждан харид қилишга эришдик. Келгусида янги иш ўринлари яратиш мақсадида касаначилик асосида яна 100 нафар маҳалладошимизимизнинг бандлигини таъминлашни режалаштирганмиз. Бунда асосан уйда ишсиз ўтирган, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга кўмак беришни ният қияпмиз.

Жуда кўплаб халқаро кўргазмаларда қатнашган бўлсам ҳам, O‘zLiDePнинг “Ишбилармон аёл – 2023” кўрик-танловида иштирок этганим каби ҳаяжонланмаганман. Бу ерда тадбиркор ва хунарманд опа-сингилларимиз билан тажриба алмашдик. Ҳамкорликда янги лойиҳаларни бошлашга келишиб олдик. Буларнинг барчаси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликини ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка жалб этиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасидир.

✓ НАВОЙ ВИЛОЯТИ

Шаҳзода ТЎХТАЕВА,
Навоий вилоятидаги
“Дилшоджон орзуси” кўп тармоқли
фермер хўжалиги таъсисчиси,
“Ишбилармон аёл – 2023”
кўрик-танлови ғолиби:

– Фермер хўжалигимиз 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланар эдик. Сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар ҳамда биз тадбиркорларга берилаётган улкан имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда имтиёзли кредит олиб, фаолият туримизни кенгайтиришга эришдик.

Бугунги кунда чорвачилик, асаларичилик ва балиқчилик тармоқлари ҳам йўлга қўйилди. “Улуғбек Дурбек порлоқ келахаги” оилавий корхонаси билан ҳамкорликда сут маҳсулотлари ишлаб чиқаряпмиз. Шунингдек, қўшни давлатларга йилига 5–7 тонна асал экспорт қиламиз.

Корхонамизда 28 нафар ходимнинг доимий бандлиги таъминланган. Бундан ташқари, 250 нафар мавсумий ишчи мавжуд. Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида бир қанча истиқболли лойиҳаларни ўрганапмиз.



“Ишбилармон аёл – 2023” кўрик-танловида ҳакамлар ҳайъати томонидан биринчи ўринга лойиқ қўрилишим менга ва жамоамизга катта масъулият юклади, деб биламан. Ушбу танловда иштиро-

ким орқали бир қанча ишбилармон, ташаббускор аёллар билан танишдим, шунингдек, соҳамни янада кенгайтиришга доир муҳим ҳамкорлар ва бизнес ғоялар орттирдим.

✓ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Шоира ТИЛОВОВА,
Музработ туманидаги
“Тилово ҳожи” кўп
тармоқли фермер
хўжалиги раиси:

– Бугун фермерларга кенг имкониятлар яратилган юрtdа яшапмиз. Албатта, бу имкониятлардан биз аёллар ҳам фойдаланиб, ер билан тиллашиб, элнинг дастурхо-

нини тўлдирадиган ноз-неъматларни етиштиришга ҳаракат қияпмиз. Шундайлардан бири менман. Бизнинг хўжалик 100 гектар майдонда асосан пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланади. Фақат бу билан чекланиб қолмай, қўшимча равишда бошқа тармоқларни ҳам йўлга қўйганмиз. Яна хўжалигимизда дук-какли экинлардан мош, ловия, гуруч каби маҳсулотлар, иссиқхонада сабзавотлардан помидор, бодиринг, булғор қалампирни ҳам етиштирилиб, ички бозорга, шунингдек, хорижга экспорт қилинмоқда. Яна маҳалладаги аёлларни иш билан

таъминлаш учун тикувчилик цехини ишга туширганмиз. Ҳозирда унда 12 нафар киши меҳнат қилмоқда. Умуман олганда, фермер хўжалигимизда жами 70 дан ортиқ киши иш билан банд.

O‘zLiDePнинг “Ишбилармон аёл – 2023” кўрик-танловида иштирок этиб, ғолиблар қаторидан жой олганимдан жудаям қувондим. Мендек бир кишлоқ аёлининг меҳнатини қадрлаб, муносиб баҳо беришгани ўзгача мотивация берди. Аёл тадбиркорлар қўллаб-қувватланаётган шундай жамиятда яшаётганимдан фахрланаман.



НЕМИСЛАР ҲАМ ТАН БЕРГАН ОЛИМ

Умр аталмиш улкан довоннинг саксонинчи фаслини ёруғ юз билан қаршилаётган Мухторхон Умархўжаев ҳақида сўз айтмоқ осон эмаслигини биламан. Боиси – илм йўлида заҳмат чеккан инсонларнинг ҳаёти ҳеч қачон равон, текис кечмаган. Шу маънода устоз босиб ўтган машаққатли умр солномасини бир варақлаб қўрайлик.

Қадим Андижон шаҳридаги маҳаллалардан бирида туғилиб, вояга етган йигитча мактабни муваффақиятли тамомлагач, бир дунё орзулар қанотида пойтахтга келиб, собиқ Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти(ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети)га ўқишга киради. Немис тили бўйича дастлабки олий маълумотни шу даргоҳда олган бўлса-да, лекин ҳали бу сабоқлар етарли эмаслигини англаб етгани учун Москвага боришни мақсад қилди. Илмга чанқоқ ёш олимни машҳур синхронист-таржимон ва таржимашунос М.Я.Цвиллинг қўллаб-қувватлади. Аввалига кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган мавзуда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Бир муддат янги очилган Андижон тиллар институтида фаолият юритди. Барибир, илмий салоҳиятини ошириш лозимлигини тушуниб етди ва яна Москвага, энди докторантурада таҳсил олиш учун отланди. Эътиборлиси, тилшуносликнинг энг мураккаб соҳаларидан бири бўлган фразеография соҳасида филология фанлари доктори илмий даражасини кафолатлайдиган улкан диссертация ишини профессор Ю. Н. Караулов илмий раҳнамолигида ҳимоя қилишга муваффақ бўлди. Қолаверса, унга сабоқ берган Москва давлат чет тиллар институтида фаолият кўрсатган машҳур олимлардан Г. В. Колышанский, А. М. Шайкевич, И. И. Чернышева, М. Д. Степанова, А.М.Райхштайн, М.Я.Цвиллинг, Л.С.Бархударов, Ю. В. Рождественский каби дунё таниган олим-

лар номини ҳам бугун фахр билан эслаш лозим.

Очиғи, Мухторхон домланинг босиб ўтган шарафли ҳаёт йўли ва ибратли илмий фаолиятини ёритиш учун саҳифалар етмайди. Аммо шундай бир унутилмас ва илму фанимиз учун воқеликка айланган айрим хайрли ишлари борки, уларни санаб ўтмасак, кўнгил хижил бўлади.

Профессорнинг илм дунёсида бутун бир филологик йўналиш – фразеография тушуночаси ва унинг мустақил фан сифатида тан олинишига қўшган ҳиссаси халқаро майдонда ҳам эътироф қилинганлиги кичкина воқеа эмас. Ёки унга ҳозирги Германия Федератив Республикасининг Лайпциг университети Транслотология институти томонидан Лайпциг университети фахрий профессори унвони берилганини, 1995 йилдан буён эса Россия ижтимоий ва педагогика фанлари академиясининг ҳам ҳақиқий аъзоси эканлиги ҳазилакам мақом эмаслигини изоҳлашимиз шарт эмас.

Яна бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди: мен устоз вояга етган оила устун, Мухторхон аканинг падали бузруквори, раҳматли Эшонхон отанинг суҳбатларида бўлганман. Ҳам диний, ҳам дунёвий илмлари мукаммал зот эди у киши. Нақшбандия тариқатининг машҳур назарийчиси ва давомчилари бўлмиш авлиё зотлар Хожа Ўбайдуллоҳ Аҳрор Валий ва Махдуми Аъзам ҳазратлари ҳақида жуда кўп қимматли маълумотларни айтиб берганлари

эсимда. Ўшандаёқ билганманки, Умархўжаевлар сулоласи маърифатпарвар оила сифатида бутун вояида маълуму машҳур экан.

Бугун мухтарам устоз ҳақида ўзимнинг айрим хотираларимни эслаяпман-у, шу ўринда у кишини кўпчилик нафақат тилшунос олим, профессор, жамоат арбоби, балки адабиёт, шеърятнинг ҳам чин ошуфтаси эканини эслатиб қўйишим керак. Негаки унинг қаламига мансуб қатор шеър ва ҳикоялар тўпламлари китобхонларга яхши таниш. Яна бир сирни айта қолай: бу Мухторхон домланинг ажойиб шахматчи эканлигидир. Оддий мисол, қадрдон дўсти Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов билан ҳам муросасиз шахмат доналари суришганини ҳамон дўстлари кулиб хотирлашади...

Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардим, олмониялик фундаментал исломшунос олима Катарина Момзеннинг “Гёте ва ислом” деган илмий-оммабоп асарини устоз ҳамкасби, тажрибали педагог, Андижон давлат чет тиллар институти катта ўқитувачиси Иброҳимжон Жабборов билан таржима қилиб, чоп эттиргани – алоҳида мавзу. Дунё тан олган даҳо шоир Гётенинг муқаддас ислом динига бўлган муносабати ҳақида ёзилган бу асар билан танишган ўқувчининг Гётега меҳр-муҳаббат, ихлоси минг чандон ошажағига ишончим – комил. Гётенинг: “Агар ислом дегани Аллоҳга ибодат дегани бўлса, биз барчамиз исломда



туғилганмиз ва исломда ўлажамиз”, – деган баёрати ҳамон барчани ҳайратга солади. Бу асар таржимасини улуғ шайхимиз Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳам юқори баҳолаб, эҳтиром кўрсатгани бежиз эмас.

Домланинг кейинги йилларда кетма-кет чоп эттирган тилшунослик, таржимашунослик, услубшунослик масалаларига бағишланган тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. У мамлакатимизда етук кадрлар тайёрлашга ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келяпти. Андижон давлат чет тиллар институти немис тили кафедраси мудири сифатида муаллимлар тайёрлашда жонбозлик кўрсатяпти. Бу борада олимнинг ҳузуридаги тилшунослик бўйи-

ча ихтисослаштирилган илмий кенгашга расис сифатидаги фаолиятини ҳам таъкидлаш – керак.

Мухтасар айтганда, бугун эслаётганларимиз филология фанлари доктори, профессор, “Дўстлик” ордени соҳиби Мухторхон Умархўжаевнинг ҳаёт аталмиш китобидаги айрим битиклар, ҳолос. Ҳали яна юзлаб, минглаб шо-гирдлари, мухлислари юрагида айтилмаган қанча самимий ният, ёруғ истаклар турибди.

Асрларни қаритаверинг, азиз устоз!

Хуррам РАҲИМОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети профессори

“ЎСИМЛИКЛАР ХАЛОСКОРИ” ЁХУД ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИНИНГ БИЛИМДОНИ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

Иқтисодчи агроном Абдуқодир Халиловга қашқадарёлик деҳқонлар “Ўсимликлар шифокори” деб ном қўйиб олишган. Отахон 73 ёшда бўлса-да, воҳа далаларини кезиб асло чарчамайди. Қачон қараманг, дала меҳнаткашлари ҳузурида, улар билан деҳқончилик илми борасидаги тажрибаларини ўртоқлашаётган бўлади. Билмаган соҳаси йўқ. Қайси экин қачон экилади, қандай парвариш қилинади, сифатли ҳосил етиштириш учун нималарга амал қилиш керак, беш қўлдай билади. Шу боис воҳадаги 33 та кластер раҳбарлари уни далага чорлаб, қимматли маслаҳатларини олишади. Отахон қадам босган жойда барака ёғилиб, ҳосилдорлик кўпайиб, одамларнинг даромади ортиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги институти битиргач, кўп йиллар аграр соҳанинг айрим жабҳаларида ишлаган Абдуқодир акани бугун воҳанинг барча ҳудудларида учратиш мумкин. Китоб туман қишлоқ хўжалиги бошқармасида ташкил этилган ахборот-маслаҳат маркази қишлоқдаги “Уруғчилик маркази”ни бошқариб, фермерларга деҳқончилик илми, ерларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, такрорий экин экиш юзасидан тавсиялар бериб, тезпишар ва сувсизликка чидамли экинлар уруғини тавсия эса, дала меҳнаткашларининг ишончини қозонган. Ҳозир эса Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Қашқадарё илмий тажриба станцияси директори маслаҳатчиси сифатида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тажриба майдончасида сынаб қўриб, виллоят иқлимига мосларини кўпайтириш ва туманларга тарқатиш билан шуғулланмоқда.

Абдуқодир ака меҳнат қилаётган институт ходимлари воҳа деҳқон-фермерлари билан мулоқот ўрнатиб, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик бўйича замонавий технология келтириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйган, мева ва узумни қури-тиб, қадоқлаб, хорижга экспорт қилаётган кўп тармоқли фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, томорқа ер эгалари тажрибасини оммалаштириш борасида янги-янги таклифларни ўртага ташлайди.

Абдуқодир Халилов институт ўқитувачилари, мустақил тадқиқотчилар, магистрантларга назарий билимларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, янги техника ва технологи-яларни қўллаган ҳолда тажриба ишларини олиб боришда амалий ёрдам бериб келмоқда. Замонавий талабларни чуқур идрок этган ҳолда, виллоятда сабзавот, полиз ва картошка ҳамда озуқабоп экинларни сынаб қўриш орқали етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатаётир. Бугун Қашқадарёда ихтисослашган фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларида пахтачилик



ва ғаллачиликдан мўл ва сифатли ҳосил олинишида унинг хизматлари бекиёс.

– Абдуқодир акани чин маънода ўсимликлар халоскори десам асло муболага бўлмайди, – дейди Қарши туманидаги “Cluster Hilo!” МЧЖ директори Алишер Арабов. – Ўтган йиллар мобайнида пахтачилик агротехникасида интенсив амалиётларни қўллаб, юқори ҳосилдорликка эришишимизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Экиш учун пахтанинг истиқболли навларини танлаш, ўсимликларнинг ривожланиш фазасида касаллик зараркунандаларига қарши курашиш, минерал ўғитлар, биостимуляторларни танлаб ишлатишни назорат қилиш борасидаги ишларда бизга кўмакдош. Айниқса, фермер хўжаликлари далаларида кўп учраётган “вилт физарноз” туپроқ касаллигининг зарарларини унинг амалий тавсиялари орқали камайтиришга эришдик. 2023 йил пахта ҳосили учун 250 та фермер хўжалиги билан фьючерс шартномалари тузганмиз. Абдуқодир ака ҳар бир фермернинг даласида бўлиб, ўсимликларнинг ривожланиш кўздан кечириб, керакли маслаҳатлар беришга вақт топади. Олим агрономнинг қимматли маслаҳатлари ишмизни ривожлантиришга яқиндан ёрдам берапти.

Деҳқончилик илмининг билимдони воҳа далаларига сабзавот, полиз ва озуқабоп экинларнинг жойлашувини

ишлаб чиқиш, қўшимча имконият ва манбаларни аниқлаш бўйича виллоят ишчи гуруҳига раҳбарлик қилиб келаётир. Унинг бошчилигида қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш-ни кўпайтириш борасида ўндан ортиқ ташаббуслар амалиётга татбиқ этиляпти. Виллоят ҳудудларининг туپроқ иқлим шароити ва салоҳиятидан келиб чиқиб, гуруҳ аъзолари Косон тумани Турон ҳудудидаги лалми ва яйлов ерларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, мевали боғ, узумзорлар барпо этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқишди. Эндиликда ташкил этилган деҳқон хўжаликлари далаларини сув билан таъминлаш учун қудуқлар қазिश, экиш учун уруғ танлаш, агротехник тадбирлар борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Шахрисабз тумани Наврўз ҳудудидаги Мироқи насос станцияси босими сув қувурининг ишлатилмай ётган 3, 5 кмлик тармоғини реконструкция қилиш ҳисобига 500 гектар майдонни сув билан таъминлаш борасидаги амалий ишлар бошлаб юборилди. Бу ерда электр тармоғи мавжуд. Қувурларни тиклаш учун 4 млрд сўм маблағ ажратилса, деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, 1250 нафар аҳоли учун янги иш ўринлари яратилади. Яккабоғ тумани Қизилсув, Турон ва Турнабулоқ ҳудудларида 2930 п/метр қувурлар тортиб, сув чиқариш ҳисобига 3176 гектар майдонда деҳқончилик қилиш амалиётга татбиқ этиляпти. Яккабоғ туманининг Чақар, Сероб, Батош, Ўрта, Нуғайли қишлоқларида ўзлаштирилган 800 гектар майдонга картошка, сабзавот, дуккакли ва мойли экинлар, уруғлик беда экилиб, 39570 тонна маҳсулот олинади. Натижада виллоят аҳолисининг картошка маҳсулотига бўлган талабининг 18 фоизи қондирилади.

– Президентимиз виллоятимизга ташвиришлар чоғида “Ҳисорак” МФЙ ҳудудидаги 3200 гектар ерга ўз оқими билан чиқариладиган 14 километрик сув қувурларини тортиб келиш учун 60 млрд сўм ажратиш тўғрисида кўрсатма берган эди, – дейди Абдуқодир Халилов. – Маблағ ажратилгач, мингга яқин деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, 2600 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Мазкур ер майдонларини оқова сув билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида корхона ташкил этилиб, замонавий техника воситалари, асбоб-ускуналар харид қилиш учун 10 млрд сўм ажратилди.

Асли шахрисабзлик бўлган, ҳозирда Россияда тадбиркорлик билан шуғулланаётган таниқли ишбилармон Шавкат Султонов билан ҳамкорлик қиляпмиз. Илгари уруғлик картошканинг қилосини 12 минг сўмдан олардик. Эндиликда тадбиркор бу маҳсулотни 5-6 минг сўмга етказиб бермоқда. Натижада ҳар йили уруғликка сарфланадиган 10 млрд сўм тежалмоқда. Хорижлик тадбиркор картошкани виллоятимиз далаларига конвейер усулида экишни жорий этишни бошлади. Уруғлик экиш ва ҳосилни йиғиштириш техника ёрдамида бажарилса, сарф-харажатлар икки бараварга камайар экан. Мазкур тажрибани бутун виллоят бўйлаб оммалаштиришни йўлга қўйдик. Ҳамкорлик

ўз мевасини берапти. Нишон туманида тадбиркор Шавкат Султонов томонидан “Agro Gold Premium” МЧЖга тегишли 128 гектар майдонга Австриянинг “BAUR” компаниясининг қиймати 2,5 млрд сўмлик замонавий бошқарув ёмғирлатиб суғориш тизими жорий этилди. Қуввати 1500 тонна бўлган замонавий совуткич қуриш, 3,5 гектар майдонда иссиқхона комплексини ишга тушириш орқали сифатли қўчат етиштириш борасида илмий тавсиялар ишлаб чиқилди. Тумандаги кўпчилик аҳоли деҳқончилик илмидан беҳабарлигини инобатга олган ҳолда картошка ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун малакали мутахассислар жалб этилиб, маҳаллий фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва аъзоларига амалий ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда. Натижада жамият томонидан Меҳнатобод ҳудудида 60 гектар майдонда эртачи, 70 гектар майдонда эса кечки картошка экилиб, 2700 тонна сифатли ҳосил олинди. 60 гектарга мўлжалланган ёмғирлатиб суғориш ускунаси олиб келиб ўрнатилгач, сув сарфи 5 бараварга камайди. Чўл туманида ҳеч қачон бирданига 400 гектар майдонда картошка етиштирилган эмас. Биз бунга эришдик ва йил сайин экин майдонларини кўпайтириб борапмиз.

Давлатимиз раҳбари фермерлар билан мулоқотда доимо ғалладан бўшаган майдонларда сабзавот, картошка етиштириш, озуқабоп экинлар экиш орқали чорва озуқасини кўпайтириш борасида қимматли фикрлар билдиради. Мана шундай тавсия ва кўрсатмалар асосида ғалладан бўшаган 70 минг гектар майдонга такрорий экин экилиб, мўл ҳосил етиштирилди. 27 минг гектар майдонга тўқсонбости экин экишни режалаштирганмиз. Дала четларига миллионлаб туғ, ток қўчатлари экилиб, яхшигина даромад топаётган фермерлар сони йил сайин кўпайиб бораётир. Ёз ойларида сув танқислиги боис сувсизликка чидамли экинлар уруғини топиш ва экиш технологияси борасида тинимсиз изланимиз. Ҳар бир туманининг туپроқ иқлимига мос экин уруғларини танлаб, сынаб қўрганамиздан сўнггина экиш учун тавсия этияпмиз. Шу боис деҳқонлар қилган меҳнат ва сарф-харажатиға қўйиб қолмасдан, яхшигина даромад олишапти. Олтинга тенг заминимиздан самарали фойдаланиш аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, туманлар иқтисодини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Абдуқодир Халилов самарали хизматлари учун Сабзавот ва полиз экинлари, картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг фахрий профессори унвонига сазовор бўлган. Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг виллоят илмий-тажриба станцияси олимлари билан ҳамкорликда озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшмоқда. Озуқа экинлари етиштириш учун ер танлаш борасида илмий-тадқиқотларни, назарий билимларни, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда фаоллик кўрсатяпти.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ЭЪТИРОФ

ФЕСТИВАЛЛАР ШАҲРИ

Хива яна бир халқаро мақомга сазовор бўлди

Маълумки, халқнинг тарихи, миллий қадрият ва анъаналарини ўзида муҳасаммад этноспорт турлари ёш авлоди Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, дунё давлатлари билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлашда бекиёс аҳамиятга эга.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Қадим ва ҳамиша навқирон Хива сўнгги йилларда халқаро мақомдаги турли анжуманлар, фестиваллар шаҳрига айланмоқда. Ҳар икки йилда ўтказиладиган “Хоразм лазгиси” халқаро рақс фестивали ёки яқинда бўлиб ўтган “Қовун сайли” тарихи кўп асрлик Ичанқалъани яшартириб юборгани, минглаб сайёҳларни оҳанрабодек ўзига тортаётгани ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда булар қаторига яна бир халқаро анжуман қўшилди.

Яқиндагина Ичанқалъа мажмуасида бўлиб ўтган халқаро Этноспорт фестивали бўнга яққол исбот дейиш мумкин.

Этноспорт, яъни этнографик спорт – турли халқ ва миллатларда қадим-қадимдан мавжуд ва авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган спорт турлари саналади. Халқимизда қадим илдизларга эга “ўзбек жанг санъати”, “баҳодирлар ўйини”, “Турон яккакураши”, “миллий кураш”, “белбоғли кураш”, “от спорти” неча-неча аждодларимизни жисмонан бақувват, маънан юксак инсонлар бўлиб етиштирилгани таъминлаган. Булар шунчаки бўш вақтни мазмунли ўтказиш ёки кўнгилхушлик бўлибгина қолмасдан, аксинча, ёшларни жасур ва эътиқодли юрт ҳимоячилари қилиб тарбиялашда асқотган. Тарихий манбаларда буюк саркарда Амир Темур қўшинида “баҳодирлар ўйини”, “ўзбек жанг санъати” каби кураш ва танловлар мунтазам ўтказилгани қайд этилган.

Истиқлолдан кейин кўпгина қадим спорт турлари қайта тикланди ва турли даражадаги мусобақалар ўтказила бошланди. “Миллий кураш” ва “белбоғли кураш” миллий спорт турлари бугун дунё аҳли тан олган, бу йўналишда жаҳон биринчиликлари ўтказиш одатий ҳолга айланганини яхши биламиз. Айни пайтда спортнинг бу миллий турларини олимпиада дастурига киритиш учун ҳам саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.



Қадим Хива меъморий обидалари билангина эмас, таниқли алломалари, паҳлавонлари билан ҳам машҳур. Рубойинавис шоир Паҳлавон Маҳмуд кураги ер кўрмаган полвон бўлгани, “полвонлар пири” мақомига етишгани бунинг исботи. Халқаро этноспорт фестивалини Хивада ўтказиш аслида улуғ аждодимизга бўлган ўзига хос ҳурмат рамзи ҳамдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илк бор ўтказилган ушбу халқаро анжуман намунали тарзда ташкил қилинганини дунёнинг 63 давлати-



дан икки мингдан ортиқ меҳмонлар таширф буюргани кўрсатиб турибди.

Фестиваль доирасида “белбоғли кураш” бўйича халқаро турнир, шунингдек, “ўзбек жанг санъати”, “масс реслинг”, “баҳодирлар ўйини ва тош кўтариш” бўйича жаҳон чемпионатлари, камондан отиш бўйича халқаро очик турнирлар бўлиб ўтди. Спортчилар миллий ва белбоғли ҳамда Турон яккакураши бўйича бел олишиб, ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Қадим қалъага таширф буюрган хорижий ва маҳаллий сайёҳларни, айниқса, от спорти-улоқ-кўпкари бўйича кўргазмалар ва кушлар ови ҳайратга солди.

Анжуман кунларида Бутунжаҳон Этноспорт конфедерациясининг “Мерос билан боғланган, этноспорт билан бирлашган” шiori остида этноспорт саммити ҳам бўлиб ўтди. Саммитда Озарбойжон, Россия ва бошқа давлатларнинг спорт вазирлари ҳамда халқаро экс-

аъзолари учрашувида ўзига хос миллий спорт турларига эга халқимизнинг бой меросини дунё бўйлаб тарғиб қилиш режалари ўртоқлашилди.

Халқаро фестиваль меҳмонлари моҳир ошпазларимиз иштирокидаги ош пишириш мусобақаси ҳамда қовун сайлига ҳам гувоҳ бўлишди. Нафақат гувоҳ бўлишди, балки бизнинг қўли ширин ошпазларимиз тайёрлаган ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ошларидан тановул қилишди. Хоразмнинг ўхшаш йўқ, тилёра гурвакларни барчани ҳайратга солди.

— Бу ерга келиб, аввал кўрмаган спорт ўйинларини ўз кўзим билан кўришга мўъassar бўлдим. Ичанқалъа ҳайратлари бизни кўп йиллар тарк этмас керак. Ўзбек миллий спорт турларига қизиқиш қолдим. Буларни ўз юртимда тарғиб қилиш ниятим бор. Айниқса, ўзбек жанг санъати фалсафаси мени кўпроқ мафтун этди. Миллий таомлардан татиб кўрдим. Уларнинг барчаси бетакрор ва ғоят иштаҳа очадиган, — дейди ҳажон билан малайзиялик камончи Ҳатри Асмави.

...Эл орасида ҳамда сайёҳларга “Шокир телпак” номи билан яхши таниш бўлган Шокир Абдуллаев 43 йилдан буён Ичанқалъада Хоразм миллий бош кийими – чўғирма билан савдо қилади. Чўғирмадўз хунарманднинг фестивал кунларида қўли-қўлига тегади: оддий мисол, анжуман очилган куннинг ўзида ўн миллион сўм савдо бўлибди! Тадбир меҳмонлари Шокир ака тиккан “силкима” ва “шерозий” номли чўғирмаларни ҳавас билан, таллашиб сотиб олишди.

— Кўҳна Хивамизга сайёҳлар оқими кўпаётгани мен каби миллий хунармандчилик билан машғул тадбиркорларга жуда маъқул келмоқда, — дейди моҳир уста. — Айниқса, халқаро мақомдаги анжуманлар ўтаётган кунларда турлари ҳам уйку нелгини билмаймиз.

Халқаро этноспорт фестивалида ташкиллаштирилган миллий ва халқаро спорт турлари бўйича мусобақаларда ғолиб чиққан спортчиларга турли даражали медаллар ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Ғолиблар орасида ўндан ошқ давлатлардан келган спортчилар бор.

Халқаро этноспорт фестивали очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳам юқори даражада ўтказилиб, унда таниқли санъаткорларнинг чиқишлари гулдурос қарсақлар ва олқишлар билан кутуб олинди.

Эндиликда бундай анжуманни ҳар икки йилда бир бора қадим Хивада ўтказиш белгиланди.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири

АБАДИЯТ ЙЎЛИ

ҚИСМАТ
ТУЙҒУСИ —
ВАТАННИ
ТАНИШ

Бир вақтлар Сергей Есенин ёш шоир В. Эрлихга “Яхши бир маслаҳат олмоқчи бўлсанг мендан, Ватанингни излаб топ. Ватансиз — шоир бўла олмайди”, деган экан. Ҳақиқатда ҳам шоирлик — бу аввало, Ватанни таниш. Ватан сиймоси энг ёруғ, энг одил сиймо сифатида шоирнинг умр ва ижод йўлини ёритиб, истиқболга чорлаб, “бағрида юз мингта қуёш порлаган” эзгу кунлардан башорат бериб туради.

Менга қолса, шоирларни икки тоифага ажратган бўлардим. Биринчиси, Ватан ҳақида қанча қўпириб сатрлар тизшимасин, сийратлари барибир бўм-бўш қофиябозлар. Бу сохта ватанпарварларнинг шеърларида дард-оташ бўлмайди. Булар халқнинг олис асрлар қаъридан келаётган ғолиб руҳи, безавол тарихи, гўзал ва мазмундор маънавий олами, жаҳондаги муқаддас ўрни, бугунги ҳаёт фалсафаси, эртанги юксак орзу-интилошларини атрофлича билиш, идрок этишдан бенасибликлари туфайли ҳам Ватанга ички боғлиқликлари йўқ кимсалардир. Иккинчи тоифа эса, Ватанини топган ёки уни англашга интилаётган, юрагида Ватани яшайдиган шоирлар. Булар, шубҳасиз, шеърятни қисмат билган, қалб ва виждон амри билангина қалам тебратадиган, дунёда кечаётган воқеа-ҳодисаларга, у ё бу даражада масъул, граждандлик даражаси юқори истеъдодлардир. Шавкат Раҳмон ана шундай шоирлардан.

**Ҳозирги ёшларда,
покизалик бор,
тирик қалбларига диёнат эга,
гўё пок табият ёмон кўзлардан
асраб қўйганларин шуларга берган...**

— дейди Шавкат “Қодирий ва ҳозирги ёшлар” шеърда. Мен бу гаплар Шавкатнинг ўзига ҳам тегишли деб биламан. Чунки унинг кейинги икки тўплами — “Очиқ кунлар” ва “Гуллаетган тош” да-

ҚОДИРИЙ ВА ҲОЗИРГИ ЁШЛАР

**Ҳозирги ёшларда
покизалик бор,
тирик қалбларига диёнат эга,
гўё пок табият ёмон кўзлардан
асраб қўйганларин шуларга берган.
Агар тирик бўлса, бир четда турмай,
ҳозирги ёшларга сардор бўларди,
гоҳ кўкдан ёғилган,
гоҳ ердан чиққан
тухмату балого қалқон бўларди.
Ҳозирги ёшлар ҳам турармиди жим,
ийгиштириб қўйиб шахсий ҳасратин,
ўз нафси йўлида ҳар нега қодир
ювуқсиз касалардан уни асрарди.
Синдириб ташларди
унинг бўғзига
ўрлаган қўлларни биттама-битта,
бор овози билан полончилармас,
халқнинг боласиман деган йигитлар.
Қодирий ўйланар юксак-юксакда,
пайқамай вақтнинг тўсу тўсларин,
пойига қўяди қўллари титраб**

**қариган гуллари
содиқ дўстлари...
Аммо у юксалган улугвор тошдай,
кўрмас дўстларининг йиғинларини.
Эшитмас жомларнинг жаранглари-ла
оташин алёру йиғинларини.
Билмадим,
дўстларин танирмиди у,
пойига барини ҳайдаб келди вақт...
Бас, эй, Қодирийнинг пойдагилар,
у дўстлар овозин эшитар фақат.
Вақт келиб,
қариса ҳозирги ёшлар,
тўла узмоқ учун умрлик қарзин;
вой, дўстим, жигарим, биродарим
Қодирий пойида йиғласа арзир.
Шунда бир сесканиб,
чин дўстларига
ўзининг мозийдек қучоғин очиб,
юксакдан эгилар,
минг бор эгилар,
тупроққа теккунча нуроний боши.**

ги энг яхши шеърларда Ватан ҳақиқати, жонажон элга меҳр ва содиқлик ҳислари фавқуллода покизалик, курашчан диёнат пафосида тасвирланган. Ёш шоирнинг лирик “Мен”и, биринчи навбатда, ўзига нисбатан талабчан ва мурасиёсиз. У “ҳали бирор ишни уддаламадим, ҳали ҳеч кимсани қилмадим рози, беҳуда ўтибди гўзал умримнинг қанчалаб чиройли баҳори, ёзи” дея ўзича афсус чекса-да, бу ўспирин юрак энди “ором борлигин” буткул унутиб қўйган. Чунки кутилмаганда унинг бағрига “чақинлар” теккан. Мана, ўша файзли “чақинлар” таъсиридан туғилган сўз ва моҳият:

**Сендан-да улугроқ нарса йўқлигин
сочим оқарганда англадим, ватан!
Бунча кеч англадим,
Нега бунча кеч...
Англасам лоақал ўттиз йил аввал,
лоақал туғилмай туриб англасам...
Кўрган бўлармидим сени мукаммал...**

Ватанни англаш — Шавкат шеърларидаги бош ғоя, сарбон туйғу. Шу туйғу уни ҳаётнинг маъноси ҳақида кўп ва жиддий ўйлашга мажбур қилади. Шу туйғу оташида “нондай зарур”, “қиличдай кескир” сўзларни ахтаради. Ва, “пуштиранг пардали минглаб дарчадан” “мўралаб ўтирган гўзал”, атиргуллар атрин таратишгагина қодир “ўйноқи сўзлар”га қўл силтайди. Негаки, унга ҳар бири “юз сўзнинг ўрнин” босадиган, ҳар қайсиси “юзта умрга” етадиган, ҳайрат дунёсига посбонликка ярайдиган ўткир сўзлар керак. Ахир, “яшамоқ, курашмоқ, ўлмоқ сирларин” ҳаққоний очадиган:

**Ўткир сўз қолмаса шоирларидан,
Ўткир сўз қолмаса...
ҳеч нарса қолмас.**

Иброҳим ҲАҚҚУЛ
(Мақола қисқартириб олинди.)MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASIБош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шўҳрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВАСирожиiddин САЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВТахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
руйхатдан ўтказилган.“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 945Адади: 9205
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнёрМаъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456Навбатчи муҳаррир:
Озод РАҲАБОВ